

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
OLIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM  
VAZIRLIGI HUZURIDAGI  
"MA'NAVİYAT VA MA'RİFAT"  
MARKAZI

100095, Toshkent shahar, Talabalar shaharchasi, Talabalar ko'chasi, 70  
Telefon: (998-71) 246-95-43 Faks: (998-71) 246-64-75  
e-mail: mm.markaz@umail.uz



"SPIRITUALITY AND EDUCATIONAL"  
CENTRE UNDER THE HIGH AND  
SECONDARY MINISTRY OF  
EDUCATION THE  
REPUBLIC OF UZBEKISTAN

100095, Tashkent city, Talabalar city, Street Talabalar, 70  
Phone: (998-71) 246-95-43 Fax: (998-71) 246-64-75  
e-mail: mm.markaz@umail.uz

*24.12.2018 № 01-07 / 334*

Олий таълим муассасалари  
ректорлари ва филиаллар  
директорларига

Олий таълим муассасаларида ўтказиладиган “Ахборот ва мураббийлик соати” машғулотлари Намунавий режасига мувофиқ, 2018/2019-ўқув йилининг ўн еттинчи ҳафтасида ўтказиладиган “Ахборот ва мураббийлик соати” машғулотлари материаллари иловага мувофиқ юборилмоқда.

Шу муносабат билан, Сиздан мазкур ҳафта давомида ўтказиладиган “Ахборот ва мураббийлик соати” машғулотларини “Адабиётга эътибор – маънавиятга, келажакка эътибор” мавзусида юкори савияда ўтказилишини таъминлашингиз сўралади.

(Машғулотлар вазирликнинг 2018 йил 13 сентябрдаги 87-02-2527-сонли хати орқали тақдим этилган “Ахборот ва мураббийлик соати сабоқлари” номли услугубий қўлланмага мувофиқ равишда ташкиллаштирилиши лозим).

Илова: 15 бет.

Ҳурмат билан,  
“Маънавият ва маърифат”  
маркази директори



О.А.Худайназаров

Марказнинг 2018 йил “24” декабрдаги  
01-05/1334-сонли хатига ишова

“Адабиётга эътибор – маъниавиятга, келажакка эътибор” ҳафталиги  
“Ахборот ва мураббийлик соати” машғулотларининг 1-босқичи  
материаллари.\*

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДАГИ ИҚТИСОДИЙ,  
ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ВОҚЕАЛАРГА ДОИР  
МАЪЛУМОТЛАР**

**ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИГА АЪЗО ДАВЛАТЛАР  
ТОМОНИДАН ҚЎШМА АКСИЛТЕРРОР ЎҚУВ МАШҒУЛОТЛАРИНИ  
ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ ТЎГРИСИДАГИ БИТИМНИ  
(ДУШАНБЕ, 2008 ЙИЛ 28 АВГУСТ) РАТИФИКАЦИЯ ҚИЛИШ ҲАҚИДА**

Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар томонидан қўшма  
аксилтеррор ўкув машғулотларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби  
тўгрисидаги Битимни (Душанбе, 2008 йил 28 август)  
ратификация қилиш ҳақида

<http://www.aza.uz/oz/documents/shankhay-amkorlik-tashkilotiga-azo-daylatlar-tomonidan-shma--18-12-2018>

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БИЛАН ТОЖИКИСТОН  
РЕСПУБЛИКАСИ ЎРТАСИДА СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК ТЎҒРИСИДАГИ  
ШАРТНОМАНИ (ТОШКЕНТ, 2018 ЙИЛ 17 АВГУСТ) РАТИФИКАЦИЯ  
ҚИЛИШ ҲАҚИДА**

Ўзбекистон Республикаси билан Тожикистон Республикаси  
ўртасида стратегик шериклик тўгрисидаги Шартномани  
(Тошкент, 2018 йил 17 август) ратификация қилиш ҳақида

<http://www.aza.uz/oz/documents/zbekiston-respublikasi-bilan-tozhikiston-respublikasi-rtasid-18-12-2018>

**ЮҚУМЛИ БЎЛМАГАН КАСАЛЛИКЛАРНИНГ ПРОФИЛАКТИКАСИНИ,  
СОГЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВА АҲОЛИНИНГ  
ЖИСМОНИЙ ФАОЛЛИГИ ДАРАЖАСИНИ ОШИРИШ ЧОРА-  
ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг карори  
<http://www.aza.uz/oz/documents/yu-umli-b-limagan-kasaliliklarning-profilaktikasini-so-lom-tur-18-12-2018>

\*Эслатма: Мазкур ҳафтада ўтказиладиган “Ахборот ва мураббийлик соати”  
машғулотларининг 2-босқичи – Президентимиз Ш.Мирзиёевнинг ижод аҳлига  
кўрсаталётган юксак эътибори, ҳозирги замон адабий мухитида содир бўлаётган ижобий  
жараёнлар тўгрисида талаба-ёшларга тушунтириллади.

Ҳафталикининг 3-босқичида талаба-ёшларга масъулиятишик фазилати ҳақида  
тушунча берилади, 4-босқичда – талабаларнинг қайси босқичдалигига қараб ойнинг  
бошида берилган китобларининг бири ҳақида фикр-мулоҳаза юритилади.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНинг 2019 ЙИЛГА МЎЛЖАЛЛАНГАН  
ИНВЕСТИЦИЯ ДАСТУРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ  
ТҮҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори  
<http://www.aza.uz/oz/documents/zbekiston-respublikasining-2019-asvilga-m-izhallangan-investits-19-12-2018>

**МОДДИЙ МАДАНИЙ МЕРОС ОБЪЕКТЛАРИНИ МУХОФАЗА ҚИЛИШ  
СОҲАСИДАГИ ФАОЛИЯТНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-  
ТАДБИРЛАРИ ТҮҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори  
<http://www.aza.uz/oz/documents/moddiy-madaniy-meros-obektlarini-mu-ofaza-lish-so-asidagi-f-19-12-2018>

**ЭКСПОРТГА КЎМАКЛАШИШ ВА УНИ РағБАТЛАНТИРИШНИ  
КУЧАЙТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТҮҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори  
<http://www.aza.uz/oz/documents/eksportga-k-maklashish-va-unি-ra-batlantirishni-kuchaytirish-20-12-2018>

**ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ЗОНАЛАР ФАОЛИЯТИНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШ  
ВА БОШҚАРИШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-  
ТАДБИРЛАРИ ТҮҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони  
<http://www.aza.uz/oz/documents/erkin-i-tisodiy-zonalar-faolivatini-muvofiklashtirish-va-bosh-21-12-2018>

**Ж.А.АРТИКХОДЖАЕВНИ ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМИ ЛАВОЗИМИГА  
ТАЙИНЛАШ ТҮҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони  
<http://www.aza.uz/oz/documents/zh-a-artikkhodzhaevni-toshkent-sha-ar-okimi-lavozimiga-tavin>

**КИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ЭКИН МАЙДОНЛАРИДАН САМАРАЛИ  
ФОЙДАЛАНИШ МЕХАНИЗМИ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛИШИ  
МУИСАБАТИ БИЛАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНинг АЙРИМ  
ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИГА ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ  
ТҮҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикасининг Қонуни  
<http://www.aza.uz/oz/documents/ishlo-kh-zhaligida-ekin-maydonlaridan-samara-li-foydalaniш-m-23-12-2018>

**ДУНЁ ЭЪТИРОФ ЭТГАИ ТАШАББУС**

Аввал ҳабар қилинганидек, 2018 йил 12 декабрь куни БМТ Ёш Ассамблеясининг ялпи мажлисида “Маърифат ва диний бағрикенглик” номли маҳсус резолюция қабул қилинди. Ушбу резолюция Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йил сентябрь ойида Нью-

Йорк шаҳрида бўлиб ўтган БМТ Бош Ассамблеяси 72-сессиясида илгари сурган ташаббуснинг амалий ифодасидир.

**Хелена ФРЕЙЗЕР, БМТнинг Ўзбекистондаги доимий мувофиқлаштирувчиси, БМТ Тараққёт дастурининг доимий вакили:**

— “Маърифат ва диний бағрикенглик” номли резолюция БМТга аъзо давлатлар томонидан бир овоздан қабул қилинди. 51 давлат Ўзбекистон томонидан илгари сурилган конструктив таклиф, яъни дунёда мавжуд барча динларга нисбатан маънавий бағрикенглик маданиятини кучайтиришга доир гояни қўллаб-қувватладилар. Чунки ушбу резолюция бағрикенглик билан бирга, маданий ва диний билимларни кучайтириш тамоилини хам олға сурган ҳолда, глобал тинчлик ва фаровонлик учун устувор йўналиш бўлиб хизмат қилиши билан аҳамиятладир.

**Владимир НОРОВ, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақаларaro тадқиқотлар институти директори:**

— БМТ Бош Ассамблеясининг ялпи сессиясида “Маърифат ва диний бағрикенглик” резолюцияси қабул қилиниши 2018 йилнинг муҳим тарихий воқеаси бўлди. Ушбу ҳужжат Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида юртимиизда миллатларaro ва диний бағрикенгликни таъминлаш борасида узокни қўзлаб олиб борилаётган изчил чора-тадбирларнинг дунё ҳамжамияти томонидан тан олинишидир. Резолюцияда асосий эътибор ҳукукий маданиятни ошириш, диний маърифатни кучайтириш орқали инсонлар онгини соф туйгулар билан озиклантиришга қаратилмоқда. Бугунги кунда Ўзбекистонда ҳукм суроётган миллатларaro ва динларaro тотувлик, дўстлик ва бағрикенглик муҳити ижтимоий барқарорликни таъминлаш, ёш авлодни миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, Ватанимизнинг ҳалқаро майдонда обрў-эътиборини янада юксалтиришда муҳим омил бўлмоқда.

**Амани ал-ИТР хоним, Миср Араб Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва муҳтор элчиси:**

— Ушбу муҳим резолюцияни Миср хам қўллаб-қувватлади. Давлатларимиз ўртасида айни масаладаги туташ нуқта, бу — Ўзбекистон билан Мисрнинг диний тотувлик жамият барқарорлигида муҳим роль йўнашини англаб етганидир. Резолюциядан кўплаб муҳим жиҳатлар ўрин олган. Таълим йўналишини оладиган бўлсақ, Ўзбекистонда турли миллат вакиллари, турфа динга эътиқод килувчилар ўзларининг муносиб ўрнига эга. Мазкур йўналишда мамлакатингизда кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Резолюция ташаббускори бўлган Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ролини алоҳида таъкидлаб ўтишини истардим. Бу Ўзбекистоннинг ҳалқаро ҳамжамият олдида турган мураккаб муаммолар ечимини топища оқилона ташаббуси бўлди.

**Ирфон Юсуф ШОМИЙ, Покистон Ислом Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва муҳтор элчиси:**

— Ўзбекистон илгари сурган ташаббуснинг муҳимлиги шундаки, дунёнинг 50 дан ортиқ мамлакати энди унинг ҳаммуаллифи хисобланади. БМТда маъкулланган резолюцияни Покистон хам дастлабки боскичдан қўллаб-қувватлади. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев мазкур резолюциянинг асосини ташкил этувчи соҳаларни ривожлантириш йўлида

кўплаб ишларни амалга оширди. Консенсус йўли билан қабул қилинганди хужожатда барча аъзо давлатлар Президент Шавкат Мирзиёев ташаббусини юксак баҳоладилар. Халқ бирдамлиги, диний бағрикенглик, инсон ҳукуклари унинг асосини ташкил этади. Мазкур резолюция дунё ҳамжамияти учун энг мақбул хужжат бўлади, деб ўйлайман. Яқинда Самарқандда Инсон ҳукуклари бўйича Осиё форуми бўлиб ўтган, унда Самарқанд декларацияси қабул қилинганди эди. Халқаро ҳамжамият ва тарихан муштарак бўлган миттака мамлакатлари ҳам бу ташаббусни кўллаб-қувватлайди.

**Мосуд МАННОН, Бангладеш Халқ Республикасининг  
Ўзбекистондаги Фавқулодда ва муҳтор элчиси:**

– Бангладеш Республикаси ҳар доим тинчлик ва тотувлик, диний бағрикенглик тарафдори бўлган. Шу боис, Ўзбекистон раҳбари томонидан илгари сурилган ташаббусни биринчилардан бўлиб кўллаб-қувватлади. Диний бағрикенглик бўйича Ўзбекистон дунёда энг намунавий ва ўрнак бўла оладиган мамлакатлардан бири хисобланади. Мен Ўзбекистондаги 5 йиллик элчилик фаолиятим давомида ўзга дин вакилларига нисбатан ғараз муносабатни кузатмадим. Аксинча, барча дин вакиллари, миллат ва элатлар тинч-тотув, ахил ва ҳамжиҳат яшайди. Бу Ўзбекистон Президенти олиб бораётган сиёsat натижасида юртда диний бағрикенглик мухити қарор топганидан далолатдир. Қолаверса, бу масала факат қонунлар билан мустаҳкамлаб қўйилгани учун эмас, балки кўпчилиги ислом динига эътиқод килувчи Ўзбекистон халқининг бошка дин вакилларига нисбатан доимо хурмат-эҳтиромда бўлиб келгани билан ҳам боғлик. Одамларнинг турли миллат вакиллари билан дўстона муносабати, аввало, ўзаро мулоқотлар орқали шаклланади. “Маърифат ва диний бағрикенглик” номли резолюциянинг БМТ Бош Ассамблеясида қабул қилиниши ана шу ижобий муносабатлар натижасидир.

**ВИКЕНТИЙ, Тошкент ва Ўзбекистон митрополити:**

– Бу ташаббус Ўзбекистон томонидан илгари сурилгани тасодиф эмас. Чунки бу юртда азалдан диний бағрикенглик мустаҳкам қарор топган. Ўзбекистонни бағрикенглик бешиги, ҳам дейиш мумкин. Дунё халқлари ҳам бу диёргаги каби тинч-тотув, ахил ҳайёт кечирсин деган фоя илгари сурилгани бежиз эмас. Биз турли миллат ва конфессиялар вакиллари Президент Шавкат Мирзиёевнинг кўллаб-қувватлови, кўмагини доимо ҳис қилиб турамиз. Бундай эътибордан жуда миннатдормиз.

**Рахимберди РАҲМОНОВ, Ўзбекистон мусулмонлари идораси бўлим бошлиги:**

– 2017 йилда Президентимиз БМТнинг 72-сессиясида жаҳон халқлари тутувлиги йўлидаги ғоят мухим ташаббусни илгари сурди. БМТнинг юксак минбаридан туриб Имом Бухорий бобомизнинг муборак номларини тилга олди. Қолаверса, Ўзбекистон томонидан диний соҳада халқаро хужжат қабул қилиш таклифи билдирилди. Ушбу таклиф аъзо давлатлар томонидан жар томонлама ўрганилиб, бугун давр талаби экани эътироф этилиб, БМТ томонидан резолюция қабул қилинди. Бу – Ўзбекистон ташаббуси, қарашлари, юритаётган сиёсати дунё учун нақадар мухим эканидан далолатдир. Бугун мамлакатимиз ташаббусини дунё эътироф этмоқда.

**Нурниймон АБУЛҲАСАН, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар  
Махкамаси хузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита раиси ўриибосари:**

– Ўзбекистон Президенти илгари сурган ташаббус БМТ томонидан қабул қилингани оламшумул воқеа бўлди. Мазкур ташаббус учун Ўзбекистон ҳам тарихан, ҳам маънан ҳакли, десак янгишмаймиз, бунга тарихдан мисоллар кўп. Юртимиз ҳудудида диний низолар кузатилмаган, шу билан бирга бугунги кунда Ўзбекистонга ташриф буюрувчи ҳар қандай киши диний бағрикенглик мухити бошқа давлатларга намуна бўларли даражада эканини эътироф этади. Махсус резолюциянинг қабул қилиниши натижасида энди БМТга аъзо давлатлар таълим муассасаларида диннинг инсонпарварлик мохияти тарғиб этилади. Ҳар бир аъзо давлат бу борада ўзига мажбурият олади. Ушбу давлатларда бундан бўён дин хеч қандай зўравонлик билан бир сафга кўйилмайди. Экстремизм, терроризм сўзлари дин билан bogланмайди. Чунки, Президентимиз 72-сессияда айтиб ўтганидек, ислом терроризмни қоралайди ва исломни биз терроризм билан bogлашимиз мумкин эмас. Шундай экан, баъзи давлатларда исломга терроризм либосини кийдиришга ҳаракат қилинаётган бир пайтда ушбу резолюция келгусида барча мамлакатларга маърифат билан ва диний бағрикенгликни ривожлантириш орқали дунёда тинчликни сақлаб қолиш мумкин, деган шиор илгари суриласди.

### **ХИНДИСТОН ОАВ БМТ БОШ АССАМБЛЕЯСИНИНГ РЕЗОЛЮЦИЯСИ ҲАҚИДА**

Хиндистоннинг онлайн-нашри ўз сахифаларида БМТ Бош Ассамблеясининг “Маърифат ва диний бағрикенглик“ бўйича қабул қилинган резолюцияси оид материалларни эълон қилди.

Масалан, Хиндистоннинг “India Blooms” интернет портали “БМТ мамлакатлари Ўзбекистон Президентининг маърифат ва диний бағрикенглик бўйича таклифини яқдиллик билан кўллаб-кувватлади“ номли мақолада мазкур ташаббус илк бор Ўзбекистон раҳбари томонидан 2017 йил сентябрь ойида Нью-Йоркда бўлиб ўтган БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида эълон қилинганини баён этади.

Нашр Ўзбекистон томонидан таклиф этилган ушбу резолюциянинг асосий мақсади барчанинг таълимдан фойдаланишини таъминлаш, саводсизлик ва билимсизликка барҳам бериш эканини қайд этади. Ҳужоқат “бағрикенглик ва ўзаро ҳурматни қарор топтириш, диний эркинликни таъминлаш, диндор (эътиқодли кишилар)нинг хукукларини химоя килиш, уларнинг камситилишига йўл кўймасликка” қаратилган.

Мақолада яна мазкур резолюция нафакат БМТга аъзо барча давлатлар томонидан яқдиллик билан кўллаб-кувватлангани, балки Шимолий ва Лотин Америкаси, Осиё, Африка ва бошқа китъаларнинг 50 дан ортик мамлакати билан ҳаммуаллифликда қабул қилингани, бу эса долзарб ва ўз вактида таклиф этилган Ўзбекистон ташаббусининг халқаро ҳамжамият томонидан юксак эътироф этилганидан далолатdir, деб баён этилади.

“Diplomacy India”, “Diplomacy Today” ва “Sarkaritel” онлайн-нашрлари ҳам мазкур мавзуга оид материалларни чоп этди. Уларда ушбу ҳужоқатнинг инсон хукуклари ҳамда дин ва эътиқодлар хилма-хиллигини химоя қилиш

асосида бағрикенглик ва тинчликни барча даражада рағбатлантириш мақсадида глобал мулокотта күмаклашиш бүйича халқаро ҳамжамият саъй-харакатларини янада фаоллаштиришдаги аҳамияти алохида қайд этилади.

## ЎЗБЕКИСТОНГА ЖАДАЛ ИСЛОҲОТЛАР СУРЪАТИГА МОС ИЛГОР КАДРЛАР КЕРАК

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 18 декабрь куни мамлакатимизда замонавий кадрларга эҳтиёжни таъминлаш, билимли ёшларни стратегик соҳаларга жалб этиш масалаларига багишланган йигилиши ўтказди.

Кейинги йилларда таълим тизимини такомиллаштириш, замонавий кадрлар тайёрлашга қаратилган қатор ишлар амалга оширилди. Президент қарори билан 2017-2021 йилларда Олий таълим тизимини комплекс ривожланиши дастури қабул қилинди. Жорий йилда мамлакатимизда 13 та янги олий таълим муассасаси, жумладан, хорижий университетларнинг филиаллари ташкил этилди. Фанлар академияси ва Инновацион ривожланиши вазирлиги томонидан юкори малакали кадрлар тайёрлаш ишлари бошланди.

Албатта, бундай эътибор яқин келажакда ўз самарасини беради. Лекин барча соҳаларда жадал ислоҳотлар олиб борилаётган бир пайтда мамлакатимизга шу суръатга мос илгор кадрлар бугун ҳам керак.

Хозирги тизимли ўзгаришлар жараённада аксарият мутахассисларнинг бунга тайёр эмаслиги, уларнинг билими, малакаси ва кўникмаси замон талабига жавоб бермаслиги аён бўлиб қолди.

Масалан, хорижда магистратура ва докторантурада ўқитиш, малака ошириш ва стажировка ташкил қилиш бўйича дастлабки эҳтиёж 3,5 мингдан ортади. Юртимизда халқаро илмий ва амалий тажрибага эга 600 нафардан зиёд ватандошимизга эҳтиёж мавжуд. 1000 га яқин хорижий олим ва эксперталарни жалб этишга талаб бор.

Яъни, бугун кечиқтириб бўлмайдиган, оддий илмий ва илмий-педагогик кадрларга эҳтиёж 5 мингдан зиёдни ташкил этади. Агар ишлаб чиқаришдаги талаб ҳам инобатга олинса, бу рақам камида 50-100 баробар ошади.

– Бу ҳали бугунги эҳтиёж. Яқин ва узок истиқболдаги иқтисодий ривожланиш нуқтаи назаридан бизга қайси соҳа учун қандай мутахассис керак бўлади? Шуни хозирдан чукур ўлашимиш, замон талаби, ислоҳотлар шиддатига мос кадрлар тарбиялашимиз керак. Келажагимиз, эртанди кунимиз бу масалани бугун қандай ҳал қилишимизга боғлиқ, – деди Шавкат Мирзиёев.

Маълумки, давлатимиз раҳбарининг жорий йил 25 сентябрдаги фармонига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузурида Мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулокот қилиш бўйича “Эл-юрт умиди” жамғармаси ташкил этилган эди.

Жамғарма зиммасига йўзбекистонлик иктидорли ёшларни магистратура ва докторантурда дастурлари бўйича ўқитиш, турли соҳа мутахассисларнинг малакасини ошириш ва стажировкасини ташкил этиш, хориждаги ватандошлар билан доимий мулокот ўрнатиш, уларни мамлакатимизда бўлаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларга жалб қилиш, чет элдаги

университетлар ва илмий марказлар билан ҳамкорликда юқори малакали кадрлар тайёрлашга кўмак бериш вазифалари юклатилган.

Ушбу мақсадларни амалга ошириш учун 2019 йилда давлат бюджетидан 45 миллиард сўм ажратилиши режалаштирилган. Президентимиз кўрсатмасига мувофиқ, бу маблағ янада ошириладиган бўлди.

Йиғилишда шу йўналишдаги ишларни тўғри ташкил этиш масалалари мухокама қилинди.

Вазирлар Маҳкамасига “Эл-юрт умиди” жамғармаси билан биргаликда барча вазирлик ва идоралар кесимида хорижда кадрлар тайёрлаш, стажировкасини ташкил қилиш бўйича “Йўл харитаси” ишлаб чиқиш вазифаси кўйилди.

Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, “Эл-юрт умиди” жамғармасига кадрларни хорижга юбориш бўйича устувор йўналишларни аниклаш ва танлов эълон қилиш бўйича топшириқ берилди.

Жамғарма Ташки ишлар вазирлиги, Ёшлар иттифоқи билан ҳамкорликда хорижда катта тажрибага эга бўлган ватандошларимиз тўғрисидаги маълумотларни шакллантириб бориши, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги мамлакатлар ва мутахассисликлар кесимида ватандошлар тўғрисида маълумотлар реестрини тезроқ ишга тушириши зарурлиги қайд этилди.

Шавкат Мирзиёев мамлакатимизга жалб этилаётган хар қандай хорижий инвестициянинг маълум бир қисмини малакали мутахассислар тайёрлашга йўналтириш кераклигини алоҳида таъкидлadi.

Йиғилишда истиқболли бошқарув кадрларини танлаб олиш, уларнинг касб малакасини узлуксиз ошириб боришга кўмаклашиш масалалари ҳам кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил 30 майдаги “Истиқболли бошқарув кадрларини танлов асосида танлаб олишининг замонавий тизимини яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида вазирлик, идора ва ташкилотларда раҳбар кадрларга бўлган эҳтиёжни коплаш мақсадида танлов ўтказиш белгиланган эди.

Танловнинг дастлабки босқичидан сўнг 8 минг 334 талабгордан 3 минг 825 нафари кейинги босқичларга тавсия этилди. Якунда 50 нафар юқори малакали кадр танлаб олинади.

Давлатимиз раҳбари танловнинг финал босқичи иштирокчилари малакасини қисқа муддатли курсларда ошириш зарурлигини таъкидлadi. Танлов ғолибларининг стажировкаси қайси ривожланган мамлакатда, қайси ташкилот ва қандай мезонлар асосида ўтказилишини аниқ белгилаш бўйича топшириклар берди.

Йиғилишда қайд этилган масалалар юзасидан мутасадди раҳбарларнинг ахбороти тингланди.

#### **АДОЛАТЛИ ВА РағБАТЛАНТИРУВЧИ СОЛИҚ ТИЗИМИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ИНВЕСТИЦИЯ САЛОҲИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигига 20 декабрь куни янги қабул қилинган солик сиёсати концепциясини

амалиётга тўлиқ татбиқ килиш масалалари бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Очиқ-ошкора ваadolatли солик тизими иқтисодиёт ривожининг энг муҳим асосидир. Лекин юртимизда хозиргача амал килиб келинаётган солик маъмуриятчилигида кўплаб ноаникликлар борлиги бизнес, тадбиркорлик, инвестиция соҳалари равнакига тўсик бўлаётган эди. Мавжуд ставкаларнинг юкорилиги инсофли солик тўловчиларга қарши ишларди.

Мисол учун, корхона фойдасидан катти назар, товар айланмасидан 3,2 фоиз миқдорида давлат мақсадли жамғармаларига ажратма тўлаб келинган. Бу солик юки корхона даромадининг камидаги 21 фоизига тенг бўлиб, уларнинг рақобатбардош ва экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришига халал берарди.

Бу каби муаммоларни бартараф этиш, солик юкини камайтириш ва чинакам бозор иқтисодиётини ривожлантириш мақсадида давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Ўзбекистон Республикасининг солик сиёсатини такомиллаштириш концепцияси ишлаб чиқилди.

Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки ва бошқа ташкилотлар эксперталарини жалб қилган холда, ривожланган давлатлар тажрибаси асосида қабул қилинган ушбу концепцияда бизнес учун жуда катта имкониятлар, халқаро даражадаги қулай шароитлар назарда тутилган. Хусусан, солик турлари келаси йилдан 19 тадан 15 тагача қисқармоқда. Юридик шахслардан олинадиган фойда солиги ставкаси 14 фоиздан 12 фоизгача, дивидендлар ва фоизлар кўринишидаги даромадлар бўйича фойда солиги ставкаси 10 фоиздан 5 фоизгача пасайтирилди.

Яна бир муҳим жиҳати, энди солик ставкалари аввалгига ўхшаб кескин ўзгарувчан бўлмайди. Бу инвесторларга узок муддатли бизнес лойихаларини режалаштиришда қийинчилик туғдирмайди.

Янги солик концепциясида юкорида қайд этилган товар айланмасидан ажратма тўлаш тартиби ҳам бекор қилинмоқда. Бунинг натижасида йирик корхоналар ўз ихтиёрида 5 триллион сўмдан ортиқ маблағни саклаб қолади.

Шу каби енгилликлар туфайли Халқаро валюта жамғармаси солик тизимининг ислоҳ этилишини Ўзбекистоннинг энг катта ютуқларидан бири, деб эътироф этди.

Бир сўз билан айтганда, солик маъмуриятчилигида янги тизим яратилди. Навбатдаги вазифа уни амалиётга тўлиқ татбиқ қилишдир.

Видеоселектор йигилишида бу тизимни оқилона йўлга қўйиш учун амалга ошириладиган чора-тадбирлар белгилаб берилди.

2019 йил 1 январдан бошлаб, ходимлар сонидан катти назар, товар айланмаси 1 миллиард сўмдан юкори бўлган субъектлар умумбелгиланган солик тўловига ўтади.

Шу ўринда нима учун умумбелгиланган солик тўловчилари сонини кўпайтиришга қарор қилинди, деган табиий савол туғилади. Чунки ягона солик тўловчи билан умумбелгиланган солик тўловчилар ўртасида солик юкидаги фарқ ҳаддан ташқари юкори бўлиб, бу кичик бизнеснинг йириклишувини рагбатлантиrmайди. Ваҳоланки, дунёга машҳур “Адидас”, “Найк”, “Индезит”, “Кнауф” каби брендлар ўз вактида кичик оиласиий корхона бўлган ва ушбу рагбат туфайли йирик компанияларга айланган.

Шулар хақида фикр юритар экан, Президентимиз Ўзбекистонда качон шундай йирик брендлар пайдо бўлади, дея савол кўйди.

Умумбелгиланган соликларни хисоблаш бўйича худудий солик органлари ходимларининг малакаси ва амалий кўнгилмаларини ошириш, тадбиркорлик субъектлари бухгалтерларини бунга тайёрлаш кераклиги таъкидланди.

Солик органлари ходимларини биринчириб, умумбелгиланган солик тўловига ўтаётган корхоналарда тушунтириш олиб бориш, уларга амалий ёрдам курсатиш бўйича топшириқ берилди. Йирик акциядорлик жамиятлари ва хўжалик бирлашмалари Давлат солик қўмитаси мутахассислари билан биргаликда ўз тасарруфидаги корхоналарнинг масъул ходимлари учун семинар-тренинглар зарурлиги қайд этилди.

— Умумбелгиланган солик хисобланиши ва юритилишида энг мураккаб тўлов тури бу — кўшимча қиймат солигидир, — деди Шавкат Мирзиёев. — Бу борада енгиллик яратиш учун уни икки йил мобайнида босқичма-босқич жорий этишни режалаштирганмиз.

Жумладан, товар айланмаси 1 миллиард сўмдан 3 миллиард сўмгача бўлган корхоналар кўшимча қиймат солигини ихтиёрий равища соддлаштирилган тартибда тўлайди. Яъни, корхоналар сотигб олинган товарлар бўйича алоҳида хисоб-фактура юритмайди ва соликни товар айланмасидан келиб чиқиб, соҳалар кесимида табакалашган ҳолда тўлайди.

Йигилишда бу ишларни тўғри ташкил этиш учун замонавий ахборот технологияларини жорий этиш, юридик шахсларни зарур компьютер дастурлари билан таъминлаш, хисобчилар тайёрлаш бўйича кўрсатмалар берилди.

Солик тўловчилар юзага келадиган барча тушунмовчиликларга жавоб топиши учун “Савол ва жавоб” интернет саҳифасини ҳамда туну кун ишлайдиган “Колл центр”лар фаолиятини йўлга кўйиш зарурлиги таъкидланди.

Давлатимиз раҳбари кўшимча қиймат солиги кичик бизнесга ҳам жорий этилиши натижасида нарх-наво ошиб кетишининг олдини олиш масаласига алоҳида эътибор каратди. Мутасаддиларга тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришгача бўлган ҳар бир жараёнда яратилаётган кўшимча қийматга соликларни жорий этиш орқали нархни тўғри шакллантириш, унинг асоссиз равишида ошиб кетмаслигини таъминлаш бўйича топшириклар берди.

Янги солик тизимида норасмий фаолиятни легализация қилиш бўйича бир катор янгиликлар киритилди. Жумладан, фойда солиги 14 фоиздан 12 фоизга туширилиб, тадбиркор факат даромад олсагина тўланиши белгиланди. Норасмий бандликни камайтириш максадида иш ҳакидан 30 фоизгача олинадиган даромад солиги ўрнига ягона 12 фоизлик солик тури киритилди ва 8 фоизлик сугурта бадали умуман бекор қилинди. Бизнес елкасида оғир юқ бўлиб келаётган ягона ижтимоий тўлов ставкаси 25 фоиздан 12 фоизга туширилди. Шунингдек, якка тартибдаги тадбиркорлар учун қатъий белгиланган солик ставкалари ҳам 30 фоизга пасайтирилди.

Бу имкониятлар тадбиркорларнинг ҳалол ишлаши, кўпроқ иш ўринлари яратишига хизмат киласи.

Йигилишда солик йиғувчанлигини ошириш масаласи ҳам мұхокама килинди. Солик ходимлари иши кониқарлы әмаслиги, жойларда солик қарзи сақланиб қолаётгани таъкидланди. Тегишли ташкилотларга солик тушумини тұла таъминлаш бүйича топшириклар берилди.

Қайд этилганидек, солик маъмуриятчилигини юритишда мавжуд бюрократик түсінклар экспортёлар фаолиятига салбий таъсир құрсатмоқда. Жумладан, махсусотини экспорт килаётган ишлаб чиқарувчи корхоналар Үзларининг құшимча қыймат солиги суммаси коплаб берилиши учун бир неча ойлаб туман, вилоят ва республика солик идораларига мурожаат килишга мажбур бұлмоқда.

Шу боис Президентимиз құшимча қыймат солигини үн күн муддатда коплаб беришни назарда тутувчи соддалаштирилған тартиб жорий килиш зарурлигини таъкидлади.

— Янги солик кодекси соликка тортиш бүйича барча тартиб, механизм ва услубларни тұлғы камраб олиши, ҳамма учун тушунарлы бўлиши керак. Бу ишлар адолатли ва рағбатлантирувчи солик тизимини яратиш бүйича қўйган биринчи қадамларимиздир, — деди давлатимиз раҳбари.

Йигилишда мұхокама килинган масалалар бүйича мутасадди раҳбарларнинг ахбороти тингланди.

## ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ — ОСИЁНИНГ ЭҢГ ЯХШИ СИЁСАТЧИСИ

Штаб квартираси Сеулда жойлашган Осиё журналистлари ассоциацияси (ОЖА) Үзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевни “2018 Йил одами” деб эълон қилди.

Мамлакатимиз раҳбари сиёсий йұналиш бүйича ғолиб, деб эътироф этилган.

Бу ҳақда “Халқ сўзи” Жанубий Кореяning “The Korea Times” нашрига асосланиб хабар бермокда.

Қайд этилишича, ассоциация вакиллари Шавкат Мирзиёев 2016 йил декабрда Үзбекистон Президенти лавозимига киришганидан то ҳозирги вактгача инсон ҳукукларини таъминлаш, иқтисодий ислохотларни амалга ошириш, очик сиёсат юритиш, шу жумладан, сиёсий маҳбусларни озод этишида юксак натижә құрсатып келәйтганини таъкидлаган. Шу билан бирга, Үзбекистон раҳбари күшни давлатлар билан фаол ҳамкорлик алоқаларини үрнатған ҳолда, Марказий Осиёда тинчлик-тотувликни асрашга катта ҳисса құшмоқда.

Бошка йұналишлар бүйича “LG Group” фахрий раиси Ку Бон Му, мисрлик таникли кардиожаррох Маҳди Ҳабиб Ёкуб, футбол бүйича Вьетнам терма жамоаси мураббийи Пак Хан Со қайд этилган.

Голиблар номлари махсус ҳакамлар томонидан минтақаның ҳар бир давлати вакиллари ва ассоциация аъзолари тавсиялари ҳамда баҳоларидан сүнг аникланди.

Хабар берилишича, тақдирлаш маросими 2019 йилнинг баҳорида ассоциация бош ассоамблейсида бўлиб ўтиши кутилмоқда.

## **ТОШКЕНТ ЮҚОРИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР РИВОЖЛАНГАН ЙИРИК ХАЛҚАРО МАРКАЗГА АЙЛАНАДИ**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 21 декабрь куни Тошкент шаҳрида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари ва йирик лойихалар билан танишиди.

Юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотлардан мақсад ҳаётимиз ободлиги, ҳалкимиз учун муносаб турмуш шароитини таъминлашдан иборат. Бу тиббиёт тизимидағи изчил ўзгаришларда ҳам акс этмоқда. Ахолига сифатли тиббий ёрдам кўрсатиш борасидаги ишлар натижасида мамлакатимизда ўртacha умр кўриш 1990 йилдаги 67 ёшдан 2017 йилда 74 ёшни ташкил этди.

Ҳалкимизга сифатли ва ўз вактида тиббий хизматлар кўрсатища хусусий секторнинг улуши ортмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 1 апрелдаги "Соғлиқни саклаш соҳасида хусусий секторни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ти қарори асосида мамлакатимизнинг барча ҳудудларида хусусий тиббиёт муассасалари куриш ва кўрсатилаётган тиббий хизмат турларини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилимокда.

2018 йилда мамлакатимизда 400 дан зиёд, жумладан, Тошкент шаҳрида 115 та хусусий клиника ташкил этилди.

Президентимиз ана шундай муассасалардан бири, Мирзо Улугбек туманидаги "ДМС" хусусий инновацион клиникасига ташриф буюрди.

Тўрт қаватли ушбу шифо масканни ҳавфисизлик, энергия тежамкорлик ва мижозлар эҳтиёжидан келиб чиқиб, кўп тармокли тиббий хизмат кўрсатиша бўйича энг замонавий талабларни ҳисобга олиб курилган. Клиника фасади Германиянинг инновацион технологияси асосида ишлаб чиқарилган иссиқлиқ ва овоз қайтарувчи изоляция материаллари билан қопланган.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган соғлиқни саклаш ходими Зулфия Максудова раҳбарлик килаётган клиника Россия, АҚШ, Германия, Австрия, Японияда ишлаб чиқарилган юқори технологияли тиббий ускуналар билан жиҳозланган. Шифокорларнинг барчаси хориждаги етакчи клиника ва тиббиёт марказларида малака оширган.

Жорий йил апрель ойида фаолият бошлаган инновацион клиникада офтальмология, нейрорахрохлик, ортопедия, пластик жарроҳлик, кардиология, ЛОР, педиатрия, реабилитация, физиотерапия каби ўн бешдан ортиқ ихтиосослик бўйича ташхислаш ва даволаш йўлга кўйилган. Замонавий лаборатория диагностикаси билан таъминланган.

Биринчи қаватда беморлар ташхисдан ўтказилиб, мутахассислар маслаҳатини олади. Иккинчи қаватда жарроҳлик амалиётлари бажарилади. Вилоятлар ва қўшни мамлакатлардан келган беморлар ётиб даволанади. Компьютерли биобошқарув хонасида медикаментларсиз даволаш, рухий ва нутқий нуқсони бор беморларни соглом ҳаётга қайтириш мумкин.

Клиникада тўр парда касаллуклари ва патологик ҳолатларни контраст воситаларсиз ташхислаш имконини берадиган "Topcon" тамограф-ангиографи, микроинвазив операциялар ўтказиш учун "Constellation Vision System" аппарати ўрнатилган. Бундан ташқари, сўнгги авлод артроскопи ёрдамида кам инвазивли даволаш диагностик амалиётлари бажарилади.

Бўғимларда эндопротезлаш амалиётлари, жароҳатлар ва операциялардан кейнги комплекс реабилитация хизматлари кўрсатилади.

Давлатимиз раҳбари инновацион клиникадаги шароитларни кўздан кечирди, шифокорлар билан сұхбатлашди. Касалликларни эрта аниқлаш, даволаш ва сифатга эътибор қаратиш зарурлигини таъкидлади.

Биз нима учун тиббиётда хусусий тармоққа шароит яратяпмиз? Рақобат булиши керак. Рақобат бор жойда сифатта интилиш бўлади, даволаш, хизмат кўрсатиш яхшиланади, деди Шавкат Мирзиёев.

Кўз микрожарроҳлиги бўйича инновацион ўкув-симуляция марказини ташкил этиш лойиҳаси ҳакида маълумот берилди. Ушбу марказда кўз микрожарроҳлиги мутахассисларини тайёрлашнинг жаҳон стандартларига мос инновацион услуги татбиқ этилади.

Давлатимиз раҳбари лойиҳани маъкуллаб, кадрлар малакасини оширишга хизмат қиласидиган бундай симуляция марказларини тиббиётнинг бошқа йўналишлари ва мамлакатимизнинг бошқа худудларида ҳам ташкил этиш зарурлигини таъкидлади.

Шавкат Мирзиёев “Steel property construction” МЧЖ кўшма корхонаси худудидаги ишлаб чиқариш қувватларини кўздан кечирди.

Яшнобод туманиндағи собик авиация заводига қарашли фойдаланилмай ётган биноларда иш бошлаган ушбу МЧЖ худудида қатор корхоналар фаолият кўрсатмокда. Бу ерда хориждан технологиялар келтирилиб, бозорбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга кўйилган. Қарийб 20 гектарлик худудда мармар плиталар, иссиқхона жихозлари, металл конструкциялар, эшиклар, қувурлар, пўлатдан тайёрланган иситиш радиаторлари, сендвич панеллар ишлаб чиқарилмоқда.

Масалан, “Dacros” корхонаси Европа технологияси асосида темир эшиклар тайёрлашга ихтиослашган. Бу эшиклар кўп қаватли турар жойлар йўлаклари, намунавий уйларга ўрнатилмоқда.

Яна бир бинода Нидерландия технологияси асосида турли ўлчамдаги металл конструкциялар ишлаб чиқариш ташкил этилган. Бу ерда иилига 24 минг тонна металл маҳсулотлар билан бирга, сендвич панеллар, брускаткалар, йўл чети тўсиклари, иситиш радиаторлари тайёрланади. Ички бозордан ташкари қўшни мамлакатлар маҳсулотнинг асосий бозори хисобланади.

“Midas agrotech” корхонасида замонавий иссиқхона мажмуалари учун конструкциялар, шунингдек, қуёш нуридан химояловчи тўрлар, пластик яшиклар, полиэтилен плёнка кабилар ишлаб чиқарилади.

“Бектемир металл конструкциялари” корхонасида йўл тўсиклари, ёритиши устунлари, қурилиш конструкциялари, электр пайвандланган қувурлар тайёрланади.

Давлатимиз раҳбари мазкур цехлардаги ишлаб чиқариш жараёнини кузатди. Маҳсулотлар сифати ва бозори билан қизиқди.

Бектемир туманиндағи “Бинокор” масъулияти чекланган жамиияти томонидан амалга оширилаётган ишлар намойиш этилди.

Президентимиз мазкур корхонада ишлаб чиқарилган темир-бетон панеллардан намуна сифатида қурилган хоналарга кириб кўрди. Кўп қаватли уйларни тез муддатларда қуриш, аҳолини уй-жой билан таъминлаш учун

бундай корхоналар жуда зарурлигини таъкидлади. Шу йўналишга ихтисослашган корхоналарни кўпайтириш ва кадрлар тайёрлаш бўйича топшириклар берди.

Шу ерда Тошкент шаҳри иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб этиш, янги корхоналар ташкил этишга доир лойиҳалар тақдимоти ўтказилди.

2019 йилда пойтахтимизга камида 2 миллиард 700 миллион доллар микдорида тўғридан-тўғри инвестиция киритилиши мўлжалланмоқда. Ушбу маблағлар ҳисобига 227 та лойиҳа амалга оширилиб, туманлар кесимида 28 мингдан зиёд кўшимча иш ўринлари ташкил этилади. Натижада саноат, қурилиш, хизмат кўрсатиш ва бошқа тармокларда ўсиш кўрсаткичлари таъминланади, бюджетга солиқ тушумлари янада кўпайтирилади.

Ташкил иқтисодий фаолияти миллий банки, “Асакабанк”, “Ўзсаноаткуришбанк” негизида ташкил этиладиган “Инвестор марказлари”да тадбиркор ва сармоядорларга комплекс хизматлар кўрсатилиди.

Германиянинг “VERIDOS” компанияси билан ҳамкорликда ташкил этилган кўшма корхонада пластик карточкилар, ID карта ва чиплар, “Best stainless stell Co.ltd” корхонаси томонидан никель металл маҳсулотлари, “Real House” компанияси томонидан кўп тармокли шифохона, логистика маркази, шунингдек, бетон маҳсулотлари, мебель, мато ва сочиклар ишлаб чиқариш корхоналари ташкил этилади.

Давлатимиз раҳбари киритиладиган инвестицияларни кафолатлаш, экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш хажмини ошириш, пойтахтимизда янги инвестициявий мухит яратиш юзасидан мутасаддиларга топшириқ берди.

Президентимиз Чилонзор тумани Бофистон кўчасида бунёд этилаётган кўп қаватли уйларнинг қурилиши билан танишди. Бу ерда 9 қаватли 23 та уй қурилиб, келаси йил фойдаланишга топширилади.

Сир эмас, мамлакатимизда уй-жойлар қурилиши деярли тўхтаб коланди. Атиги уч-тўрт йил олдин ҳам нафакат пойтахтимизда, вилоят, туман ва шаҳар марказларида, олис қишлоқларда арzon уй-жойлар қурилишини ёч ким тасаввур қилолмас эди.

Шавкат Мирзиёев Президентлик лавозимига қиришган илк кунларданоқ ана шу оғрикли, ҳаётий долзарб муаммони ҳал қилишга қуришди.

2017 йилдан илк маротаба ахоли учун арzon, барча қулайликларга эга бўлган кўп қаватли уй-жойлар қурилиши бошланди. Шу йилнинг ўзида 800 минг квадрат метрдан зиёд ана шундай уй-жойлар фойдаланишга топширилди. Аҳолининг арzon уйларга талабини қондириш учун жорий йилда биргина қишлоқ жойларнинг ўзида 3 мингдан зиёд ёки ўтган йилга нисбатан икки баробар кўп арzon намунали уй-жой қурилди. Бу жараён изчил давом этади.

Бофистонда қурилиши бошланган кўп қаватли уйлар ҳам миллий менталитетимизга хос замонавий қурилиш андозалари асосида қад ростлайди. Турар жойлар зилзилабардошлиги, ногиронлар учун кўшимча

кулайликларга эгалиги билан ажралиб туради. Ҳовлисида болалар майдончалари, автотурагоҳ, савдо маркази бўлади.

Президентимиз янги уйлар пойтахтимиздаги энг намунали яшаш манзилларидан бирига айланиши кераклигини таъкидлади.

Шу ерда Ташкент шаҳрида коммунал тармоқларни ривожлантириш, каналларни таъмирлаш ва туаш худудларни ободонлаштириш, йўл ўтказгичлар қурилиши бўйича лойиҳалар намойиш этилди. 2019 йилда Салор, Дамами, Қорасув, Бектемир, Бўзсув, Жўн, Бўрижар каби каналлар таъмирланиб, атрофи ободонлаштирилади.

Каналлар атрофига, одамлар дам оладиган, болалар чўмиладиган обод ва хавфсиз худудлар ташкил этиш керак, деди Шавкат Мирзиёев.

Президентимиз чиқиндиларни саралаш ва қайта ишлаш, иссиқлик манбаи бўйича ёпиқ сув таъминоти тизими лойиҳаларини тезлаштириш юзасидан кўрсатмалар берди.

Бугун Сергели туманида қурилиш кранлари шунчалик кўпки, худди дараҳтзорга ўхшайди. Бу бунёдкорлик ишлари кўламидан, шиддатидан. Жумладан, Чоштепа маҳалласи худудида 3 минг 696 хонадонли 66 та кўп қаватли уй қурилмоқда.

Давлатимиз раҳбари янги уй-жойларни бориб кўрди.

Шавкат Мирзиёев жорий йилнинг июль ойида ушбу маҳаллага ташриф буюриб, қурилиш жараёни билан танишган, мутасаддиларга бунёдкорлик ишларини ўз вактида ва сифатли якунлаш бўйича топшириқлар берган эди. Атиги беш ойда бу ерда улкан мавзе қад кўтарди. 1 минг 176 хонадонга мўлжалланган 21 та уй барпо этилди. Бошқа уйлар қурилиши давом этмоқда.

Аҳамиятли томони, Туркияning инновацион технологиялари асосида бинонинг ташки деворлари энергия тежкамкор материаллар билан қопланган. Бу уйларнинг кишида иссиқ, ёзда салқин бўлишини таъминлайди.

Президентимиз ушбу уйлардан бирини кириб кўрди. Қурилиш соҳасида янги тизим яратилганини, бу ахолини уйли қилиш билан бирга кўплаб иш ўринлари ҳам очаётганини таъкидлади.

Мавзеда маҳалла гузари ҳам бунёд этилган бўлиб, унда маҳалла раиси ва маслаҳатчилари хоналари, уй-жой мулкдорлари ширкати, профилактика инспектори хонаси, кутубхона фаолият юритади.

Шавкат Мирзиёев туман худудидаги яна бир мавзеда бўлди. Бу ерда ҳам кўп қаватли туар жой бинолари барпо этилмоқда.

Давлатимиз раҳбари миллий-диний қадриятларимизни тиклаш, буюк аждодларимизнинг ислом ривожига қўшган улкан ҳиссасини тарғиб этишга алоҳида эътибор қаратмоқда. Шундай ташабbusлардан бири – “Маърифат ва диний бағрикенглик” номли резолюция кабул қилиш таклифи БМТ Бош Ассамблеясининг 12 декабрдаги ялпи сессиясида барча давлатлар томонидан кўллаб-кувватланди.

Ушбу тарихий воқеа Ўзбекистонда дин соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар жаҳонда тан олинаётганидан, юртимизнинг ушбу масалаларда бой тарих ва катта тажрибага эга эканидан далолат беради.

Пойтахтимизда барпо этилаётган Ислом цивилизацияси маркази давлатимиз раҳбарининг айни соҳасидаги эзгу ташабbusларидан биридир.

Шавкат Мирзиёев жорий йил 15 июнь куни ушбу марказ қурилишига ташриф буюриб, иншоот пойдеворига тамал тоши қўйган эди. Бугунги кунда бино конструкциялари қад кўтариб, қурилиш ишлари жадал давом этмоқда.

Уч қаватли марказ қадимий мадрасаларимиз услубида қурилади. Бинонинг симметрик марказига Усмон Куръони қўйилади. Иккинчи қаватда кутубхона, анжуманлар ва қўргазма заллари бўлади. Учинчи қават аҳборот-ресурс маркази, илмий кафедралар ва бошқа хоналарни ўз ичига олади.

Президентимиз қурилиш жараёни билан танишди. Кўргазмалар залида Ўзбекистон тарихи даврлар бўйича, ҳар бир аср, ҳар бир алломага оид манбалар ва ашёлар асосида намойиш этилиши зарурлигини таъкидлади.

Ҳамма ўз тарихини улуғлайди. Лекин бизнинг мамлакатимиздагидек бой тарих, боболаримиздек буюк алломалар хеч қаерда йўқ. Бу меросни чукур ўрганишимиз, ҳалқимизга, дунёга етказа билишимиз керак. Бу марказга келган одам тарихимиз ҳакида тўла тасаввурга эга бўлиши, катта маънавий озуқа олиб кетиши зарур, деди Шавкат Мирзиёев.

Давлатимиз раҳбари марказни пардоzlаш ва жиҳозлашни такомиллаштириш бўйича кўрсатмалар берди.

Шу куни ҳалқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди.

Сессияда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев нутқ сўзлади.

Тошкент шаҳрида 2017 йили ялпи ҳудудий маҳсулот 5 фоизга ўсгани қайд қилинди. Жорий йилда бу кўрсаткич 8,1 фоизни ташкил этиши кутилмокда. Шунингдек, жорий йил якуни бўйича саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 9,2 фоиз, қурилиш ишлари 11,6 фоиз, хизмат кўрсатиш 10,5 фоиз ўсади. Бу мамлакатимиз бўйича энг юқори кўрсаткичлардан биридир.

Президентимиз Тошкент шаҳрини ижтимоий-иктисодий ривожлантириш бўйича муҳим йўналишларни кўрсатиб ўтди. Тошкент шаҳрини йирик ишбилармонлик ва молия марказига айлантириш бўйича стратегия ишлаб чиқиш зарурлигини таъкидлади.

Бугунги глобаллашув даврида иктисолиётга инвестицияларни фаол жалб этиб, бизнес учун қуляй шароитлар яратиб бераётган шаҳарлар жадал ривожланмокда. Тошкент шаҳрини юқори технологик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган, банк, молия, сугурта ва бошқа замонавий хизматлар кўрсатадиган йирик ҳалқаро марказга айлантиришимиз зарур. Шаҳар атрофи саноат зоналари, шаҳар ичи эса инновацион ҳудуд бўлиши керак, деди Шавкат Мирзиёев.

Ижтимоий соҳа, қурилиш ва коммунал тармокларини ривожлантириш, аҳоли ва туристлар учун қуляйликларни кўпайтириш бўйича ҳам истиқболдаги муҳим вазифалар белгиланди.

Сессияда ташкилий масала қўрилди. Президент Шавкат Мирзиёевнинг тавсиясига биноан Тошкент шаҳар ҳокими вазифасини вақтинча бажариб келаётган Жаҳонгир Ортиқхўжаев Тошкент шаҳар ҳокими этиб тасдикланди.

Сўзга чиққанлар ҳоким ва унинг барча ўринбосарлари, барча фаоллар Президентимиз томонидан пойтактимизни жадал ривожлантириш бўйича белгилаб берилиган вазифаларни бажариш йўлида бор куч ва имкониятларини сафарбар этишини таъкидладилар.

